



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 18-iyul • Shanba • 85 (30.046) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 534,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш ўрни, корхоналар билан кооперация асосидаги касаначилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сиз ва Ўзбекистон халқини икки муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонлаши муносабати билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади. Ушбу муҳим воқеалар муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқига ўзининг самимий қутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни устувор йўналиш этиб белгилади. Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон демократик ислохотларни амалга ошириб, жамиятни кенг миқёсда модернизация қилмоқда. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон давлат бюджетига харажатлар қисмининг 50 фоиздан ортиги ҳар йили ижтимоий эҳтиёжларга, жумладан, барча фуқароларга белул тиббий хизмат кўрсатишга, умумий таълимга, кексалар, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш дастурларига йўналтирилган ва сарфланаётгани ҳақидаги маълумотлар мени қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳар доим минтақада халқаро ҳамкорликни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ва фаол сийосат юритиб келган. Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатнинг ёрқин намунаси. Бу мамлакатингизнинг барқарор ривожланиши, глобал ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида БМТ билан фаол ҳамкорлигида ҳам яққол

намоён бўлмоқда.

Айниқса, Сиз, Жаноби Олийларининг илк бор Бош ассамблеянинг 1993 йилдаги сессиясида эълон қилинган Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлашдан мамнунман. Сиз ва Ўзбекистон халқи ушбу ташаббуснинг рўёбга чиқишида эришган муваффақиятларингиз билан ҳар қанча мақтовга сазоворсиз. Мазкур ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча қўшни мамлакатлар билан бошланган яқин ҳамкорлик натижаси жорий йилнинг 21 мартда кучга кирган Шартномада ўз ифодасини топади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мен ҳаёлан ҳамisha Ўзбекистон халқи билан биргаман. Зеро, яқинда қарийб уч миллион аҳоли яшайдиган ажойиб пойтахтингизнинг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлайсиз. ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 34-сессиясида Тошкентни Марказий Осиёдаги энг йирик мегаполис сифатида эътироф этиб, унинг 2200 йиллигини байрам қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Тошкент бутун минтақани иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Тошкент халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолаётганининг гувоҳи бўлиш менга мамнуният бағишлайди. «Тошкент — Шарқ дарвозаси» деб бежиз айтилмаган, мен бу машҳур иборага тўла-тўқис қўшиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ингель д'Эското БРОКМАН,
БМТ Бош ассамблеяси Раиси



18
МУСТАҚИЛЛИК
ЭТИ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида Асака шаҳрида курилиб, 1996 йилнинг 19 июлида ишга туширилган «ЎзДЭУавто» (ҳозирги «GM Uzbekiston») қўшма корхонаси халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, саноят ишлаб чиқаришининг ёрқин тимсолларидан биридир.

Дунёда мамлакат кўп, уларнинг кўчаларида ҳаракатланадиган автомобиллар ҳам саноксиз. Халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчи-

лар ташкилоти — ОИСА маълумотларига кўра, жаҳонда ҳар йили 70 миллиондан зиёд турли русумдаги транспорт воситалари ишлаб чиқарилади. Лекин ана шу машиналарни ишлаб чиқарадиган давлатлар кўп эмас — 52 та. Ўзбекистон улардан бири. Мамлакатимиз ОИСАга 1998 йили қўшилган. Ўзбекистон ўшанда автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг ўзaro ҳамкорлик ва халқаро алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашадиган мазкур ташкилотнинг 33 тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қайд этилган эди.

ЮКСАК ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Асакадаги автомобиль заводи ишга туширилганига 13 йил тўлди



компаниялари халқаро молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ишлаб чиқаришни кескин камайтираётган бир пайтда бу рақамларнинг аҳамияти нақадар долзарблигини тушуниш учун мухтаassis бўлиш шарт эмас.

2-бет

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING MAJLISI TЎGRISIDA AXBOROT

2009 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Маҳкамасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ва жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика Хукуматининг жорий йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришлар, ислох қилиш жараёнлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислох қилишнинг бешта асосий тамойиллини рўёбга чиқаришга асос-

ланган пухта ўйланган ва изчил сиёсатнинг амалга оширилиши, шунингдек, инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қўрилиши туфайли нафакат дунёнинг аксарият давлатларида кузатилаётган инфляция даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, савдо баланснинг салбий сальдоси, инвестицион фаолликнинг суусайиши, ишсизликнинг ошиши, аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадларининг кескин пасайишининг олди олиниди, балки иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатли ва мустаҳкам ривожланиши таъминланаётгани қайд этилди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, қишлоқ ўнжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоизни, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 32,5 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3

фоиз миқдордаги профит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этди.

Мажлисида хозирги жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида республикамизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайган бир пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган ички талабни, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг мамлакатимиз корхоналари ўртасида кооперациялашув асосида товар етказиб беришни кенгайтириш ҳисобидан ошириш иқтисодиёт барқарорлигини қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилга айланганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб

чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида 141 миллиард сўмлик иш ҳажми бажарилди. Қишлоқ жойларда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди, 2,9 миллион квадрат метр яқна тартибдаги уй-жой қурилди. Мелиорация ва ирригация объектиларида қиймати 61,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. 233 умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди, 196 касб-ҳунар коллежи ва 18 академик лицейни қуриш яқунламоқда ва улар янги ўқув йилига қадрар фойдаланишга топширилади. Барча жойлардаги аҳоли пунктларида ва магистраль автомобиль йўллари ёқаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида ИМКONИЯТДАН САМАРАЛИ ФOЙДАЛАНИШ ТАЛАБ ЭТИЛМОҚДА

Хизмат юзасидан Когон туман партия кенгашида бўлганимизда, Жамоатчилик қабулхонасида амалга оширилган ишлар самараси билан жойларнинг ўзида танишган маъқул, дея бизни «Беруний» маҳалласидаги хонадонларнинг бирига бошладди. Эшикни ногиронлик аравачасидаги онахон очаркан, бизни ичкарига таклиф қилди...

— Қариганда оёғинг ҳам айтганини қилмаскан, — дейди онахон. — Шундай бўлса-да, ҳамisha маҳалла-қўйга аралашиб, одамлар орасида юришни хоҳлардим. Шунда Жамоатчилик қабулхонаси жойимга оро кирди. Мана, Сония бунингиз яна тўқмоқдек, чопқиллаб юрибди. Сизларга раҳмат. Доимо ҳолимдан хабардорсизлар...

Сония Мамедова суҳбат орасида маҳаллада инфратузилмани ривожлантириш мақсадида бинолар қуриш учун жой ажратилган кўмаклашишни сўраб, вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига муносабат қилгани ҳам самараси қолмаганини таъкидлади.

— Электротар манфаатларига ҳолис хизмат қилиш Жамоатчилик қабулхоналарининг бош вазифасига айланган, — дейди ХДП вилоят

кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов. — Шу боис ҳар бир мурожаат, таклиф ва мулоҳазага жиддий эътибор берамиз. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида шаҳар ва туман партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига етти юзга яқин мурожаат тушган. Уларнинг аксарияти фаолларимиз саъй-ҳаракатлари билан ижобий ҳал этилди.

— Илгари қўшни Навоий вилотида ишлардим, — дейди вобкентлик Азизбек Орипов. — Йўл азобидан қийналганим учун уйимга қайтиб, бир оз фурсат муносиб иш тополмадим. Шунда туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Партия кенгаши раиси Толиб Аевзов иш топшишга кўмаклашди. Шунда ЎзХДП фаоллари ёрдамга муҳтож кишиларни ҳар доим имкон қадрар қўллаб-қувватлашга

Жондор, Фиждудов, Когон туман партия кенгашларида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти намунали ташкил этилгани боис фуқаролар эътирофига сазовор бўлапти. Бу туманларда ҳар ойнинг илгари ҳафтада Жамоатчилик қабулхоналарининг сайёр кунлари ҳам йўлга қўйилган.

— Электротар вакилларига эътиборимиз, амалий ишларимиз одамларда партияимизга ишончни оширмоқда, — дейди Олот туман партия кенгаши раиси Фахриддин Исаев.


Дарҳақиқат, қаерда партия фаоллари одамлар орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлса, ўша жойда ишнинг самараси сезилади. Аммо ҳамма туманда ҳам аҳвол бирдек яхши, деб бўлмайди. Ромитан, Бухоро, Қоровулбозор, Пешку туманларида бу борада камчиликлар мавжуд. Жамоатчилик қабулхоналари ҳамма вақт ҳам очик эмас. Фаолият кўрсатганда ҳам ё раис ёки унинг ўринбосаридан бошқа кишини бу ерда учратмайсиз. Уларда вилоят, туман Кенгашлари депутатларининг навбатчилиги йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бугун электротар билан ишлашда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП партия ташкилотлари конференциялари
САРҲИСОБ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ 2

АГАР ПОЕЗД КЕЧИКСА... 3

ТАРОНАНГИНИ ЯНГРАТ, ЎЗБЕКISTON ЕШЛАРИ! 4



ЎзХДП партия ташкилотлари конференциялари

САРҲИСОБ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Булунгур туман партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда туман партия кенгаши раиси Турсун Йўлдошев ўтган давр мобайнида партия тузилмалари ва фаоллари томонидан амалга оширилган ишлар, хусусан Инқирозга қарши чоралар ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни bajarish борасида эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларни батафсил таҳлил этди.

кимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, партия фаоли Нурмамат Бойжўраев. — Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож фуқароларни ижтимоий химоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратаймиз. Бу эса сарфимизни янада мустаҳкамлаш, партия ва электрот ўртасидаги алоқани янада яхшилаш имконини беради.

Ўтган вақт ичида туман кенгаши, депутатлик гуруҳи томонидан электротрат ижтимоий манфаатларига оид қатор масалалар, муаммолар кўтарилгани таъкидланди. Депутатлик гуруҳи халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига туман марказида шахарча, фуқаролар йиғинини ташкил этиш, электр энергиясини сабабсиз узлишларини бартараф этиш сингари ўнлаб масалалар юзасидан сўровномалар киритди.

Туман партия кенгаши турли долзарб масалаларга оид тақлифларни туман раҳбарияти, сессияларда эса депутатлар эътиборига ҳавола этиб келмоқда, — дейди партия фаоли Олим Икромов.

Жамоамизда ЎзХДП аъзолари кўпчилигини ташкил этади, — дейди туман хо-

Урганч шахар партия ташкилотининг конференциясида шахар партия кенгаши раиси Санобар Ботирова ўтган даврда шахар ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани, Президентимизнинг ижтимоий масалалар туғрисидаги фармонлари, ҳукумат қарорлари ва партия юқори органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун аҳоли истиқомат жойларида олиб борилётган тарғибот-ташвиқот ишларининг натижалари ҳақида тўхтади.

Сўнгги даврда шахар Кенгашидаги партиядан сайланган депутатлик гуруҳи фаолиятида ўзгаришлар сезилди. Жамоатчилик қабулхонаси ҳам фуқаролар ишончини қозониб улгурди. Илимжон УТАРОВ, халқ депутатлари Урганч ша-

хар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари: — Депутатларимиз эти-та доимий комиссия таркибида фаолият қўрсатиб келмоқда. Аҳоли истиқомат жойларида учрашувлар ўтказиб, муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини бўйича сессияларга тақлиф-лойдлар билан чиқилмоқда.

Сардорбек ДАВЛАТОВ, Урганч давлат университети проректори: — Фаолиятимизга, дастуриямизга қизиқувчилар, уни ўрганиш истагини билдирувчилар сони ортиб бормоқда. Бу эса партиянинг айнан электротрат манфаатларини химоя қилишга қаратилган дастурлари ҳаёtgа тобора кенгроқ таъбиқ қилаётгани натижаси деб биламан.

Шаҳар партия ташкилотининг ҳисобот даридаги фаолияти қўнқарли деб топилди. Қўрилган масала-

лар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Илхом Аҳмедов, партия вилоят кенгаши раиси Раимбергян Собурвалов сўзга чиқиб, партия ташкилотини фаолиятга баҳо бериш билан бирга олдинда турган долзарб вазифаларга ҳам эътибор қаратишди.

Хоразмда шахар ва туман партия ташкилотлари конференциялари яқунланди. Хонқа, Гулран, Урганч туманларида конференциялар юқори савияда ўтказилди.

Хива ва Ҳазорасп туманларида делегатлар партия кенгашлари фаолиятига кўпроқ танқидий назар билан қарашди ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар берилди.

Рўзмиёв ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Амридан ПЎЛАТОВ, Самарқанд вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи.

Адлия вазирлигида

Иигирма биринчи аср ахборот даври. Бугун қимда ахборот кўп бўлса ўша ютади. Шу боисдан ҳам ҳозир янгилик ва ахборот олишга эҳтиёж ҳар қачондан ортади. Бу борада компьютер техникасида фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Кеча Адлия вазирлигида «Мавжуд веб-сайтларнинг буғуни ва келажақдаги истиқболлари» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди.

Анжуманда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, ҳудудий адлия бошқармалари ва тизимга кирувчи муассасаларнинг ахборот ва компьютерлаштириш йўналиши бўйича му-

таҳассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақил йилларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан

мидаги республика суд экспертиза марказининг Тошкент юридик коллежининг расмий веб-сайтлари ташкил этилиб, доимий равишда янгилик ва ахборотлар жойлаштириляпти. Қолаверса, жорий йил якуни билан барча ҳудудий адлия бошқармаларида ва

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу билан бир қаторда, «Ўзавтотойл», «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари раҳбарларига республика аҳолисини ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан барқор таъминлаш, йўл қурилиши, бошқа ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, шу жумладан, аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва шу асосда қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш топширилди.

Ички талабни кенгайтириш билан биргаликда экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдирish учун тижорат банклари томонидан 81 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди, экспорт қилувчи корхоналарга қайтариб берилган қўшимча қиймат солиғи ҳажми 21 миллиард сўмни ташкил этди, бюджетдан амалга ошириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича қўриляётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмларининг 32,7 фоизга, шу жумладан, турридан-тўғри хоржий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқариш инвестицияларига жами инвестициялар ҳажмининг 71,1 фоизи йўналтирилди.

Республикада ўтган ярим йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган, янги экспорттоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 667 та ишлаб чиқариш ва инфратузилма инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2009 йилининг биринчи ярим йилгида 193 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, енгил саноатда ва тўқимачилик тармоғида 32, озиқ-овқат саноатида 67, қурилиш материаллари саноатида 78 объект ишга туширилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 янги турини ўзлаштириш, маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 баравар ошириш, 708 миллион АҚШ дол-

лари эквивалентига тенг миқдорда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди.

Махлисда савдо тармоғида ва истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда товарлар захираларининг ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Республика ҳудудларида ўтказилган ўрганишлар натижаларини шунингдек, айрим корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг нормативдан ортиқча миқдорда тўпналиб қолишига йўл қўйилган. Шу муносабат билан тегишли тармоқлар, ҳўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари раҳбарларига маркетинг ишларини тақомиллаштириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини пасайтириш, маҳсулотларнинг нормативдан ортиқча қолдиқларига йўл қўймасликка йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Янги ўқув йили яқинлашаётганлигини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, шахарлар ва туманлар ҳокимликларига, «Ўзултуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча шахарлар ва туманлар марказларида, шунингдек, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формаси сотиладиган ярмаркалар ташкил этиш топширилди. Ушбу мақсадда ташкил этилган республика комиссиясига ярмаркаларни уюшқоқлик билан ўтказиш, зарур мактаб анжомлари, дарсликлар ва ўқувчилар формаларининг ўз вақтида ишлаб чиқарилиши, етказиб берилиши ва сотилишини таъминлаш топширилди.

Иқтисодиёт вазирлигига «Ўзбек-енгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзултуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари, бо-

шка манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикада мактаб товарлари ва ўқувчилар формаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида сифатли мактаб анжомлари ва ўқувчилар формалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар билан савдо корхоналарини узлуқсиз таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқариш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қуш даврида барқорор ишлашга тайёрлаш ишларининг бориши мувоқам қилинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қуш даврида барқорор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шахарлар ва туманлар ҳокимликларига турар-жой биноларида, шунингдек, ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларда иссиқлик ва энергияни мақсимал даражада тежаш юзасидан жамоатчилик назоратини, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан назорат тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳолини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг асосий турлари билан арзон нарҳларда қафолатланган тарзда таъминлаш учун уларни зарур ҳажмларда гаmlаш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Ҳўкумати мажлисида қўрилган масалаларни муқома қилиш натижалари бўйича 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан пойтахтдаги сафарбарлик қақруви резерви батальонида «Ҳарбий қисмда «Қамолот» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Унда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофая қобилиятини мустаҳкамлаш, ихчам, тезкор ва ҳар жиҳатдан пухта тайёрланишга эга миллий армияни шакллантириш йўлидаги тўб ислохотлар самараси ҳақида сўз юритилди. Ватани кўз қорачиқидек асраш, унинг тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун шарафли бурч экани таъкидланди. Мамлакатимизда миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида кенг қўлланми ишлар амалга ошириляётганини, ҳар қандай вазиятда Ватанини химоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз шакллантирилгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва имкониятлари ҳақида тасаввур уйғотиш, ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ёшларни «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти билан янада яқинроқ таништиришдан иборат, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими масъул ходими М.Тошбоев. — Бугунги кунда армия сафларида хизмат қилиш йигитларимизнинг ҳақиқий шон-шараф ишига айланди. Ёшлар билан учрашув ва суҳбатлар чоғида бунинг аяқол шоҳиди бўлмоқдамиз.

Тадбир таниқли хонандалар ва бадий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири

барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириб, бу йўналишдаги ҳуқуқий асослар яратилди.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан Андижон, Бухоро, Фарғона вилоят адлия бошқармасининг, Республика Суд департаментининг ҳамда Х.Султаймова но-

тизими кирувчи бошқа муассасаларда ҳам расмий веб-сайтларни очиш ва фойдаланишга топшириш чоралари қўрилмоқда.

Маъмур тадбир ана шу расмий веб-сайтлар фаолиятидан фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларини кенг хабардор қилиш мақсадида ташкил

этилди. Савол-жавоблар жараёнида сайтларни янгилаш даври, фойдаланувчилар ташрифи, маълумотларни жойлаштириш тартиби, интерактив усуллари қўллаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Раҳмон ШОДИЕВ

ЮКСАК ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Аслида гап фақат рақамларда эмас. Ҳаққимизга мустақиллик берган имкониятларнинг рўбига чиқётганида — ўзимизда ишлаб чиқарилган, қўни қўнтияридан бир-биридан гўзал ва шинам автомобилларнинг йўлларимизни тўлдириб юрганиши, кишиларимизга олам-олам қувонч ва гурур баҳш этаятганида.

Асакада ишлаб чиқариладиган машиналар замон талаблари асосида мунтазам равишда тақомиллаштириб боришмоқда. Завод ишга тушган дастлабки йиллари унинг кенгайиридан «Тико», «Дамас», «Нексия» каби енгил автомобиллар чиқа бошлаган бўлса, кейинги йилларда бу ерда тайёрланаётган енгил машиналар сафига янада мукамаллашган, замонавий дизайнга эга «Матиз» ва «Ласетти», «Такума», «Этика» ва «Каптив» автомобиллари қўшилиши фикримизнинг далилидир.

Яна бир муҳим жиҳат, утган йиллар мобайнида заводда маҳаллий ёшлардан иборат, мураккаб вазиқа ва муаммоларни ҳал этишга қодир, чўкур технолог жараёнлардан яхши хабардор ва замонавий компьютерларни бошқара оладиган, катта билим ва малакага эга меҳнат жамоаси шаклланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги қўллаб қорхоналар Асака заводи учун бутловчи материаллар етказиб беради. Мисол учун, Фарғонадаги «Автоойна» қўшма корхонаси машиналар

(Давоми. Боши 1-бетда)



Раҳмон ШОДИЕВ

чўн ойна тайёрлаб бераётган бўлса, шу шахардаги «ЎзСозон» қўшма корхонасида руль колонкалари ва механизми тайёрланади. Жиззахдаги «ЎзЭкспид» заводда асақаликларга аккумуляторлар етказиб бериш йўлга қўйилган. Шу тарихи маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг таннархини камайтириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Ўтган йили Ўзбекистонда «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқариладиган янги қўшма корхона ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. «General Motors Powertrain Uzbekistan» деб номланган янги завод қурилиши ҳозир жадал давом этмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этиляётган мазкур қўшма корхона йилига 360 мингта двигател ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Унда 1200 янги иш ўрни ташкил этилади. Бу аҳоли бандлиги даражасини ошириш билан бирга Асака шахридаги заводда автомобиллар ишлаб чиқаришни янада кўллайтириш учун имконият яратлади.

Ҳозирги замон, тараққиёт асри ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделларини муттасил ўзгартириб, сифатини яхшилаб боришни тақозо этади. Чўнки қулаи рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб ту-

риш осон эмас.

Шу маънода, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналаримизнинг хоржида ўз харидорини топаётгани барчамизни қўнтияради. Бунга Ўзбек автомобилларининг пухта, ишончли ва тежамкорлиги, «Евро-2» Халқаро экологик стандартларга тўла жавоб бериши сабабдир.

Мустақилликка эришишдан олдин биз турли машиналарни четдан олиб келардик. Энди эса бошқалар биздан олапти. Ўзбек автомобиллари ўзининг замонавийлиги, қулай ва хавфсизлиги билан нафақат жамюртларимиз, балки хорихлик истеъмолчиларнинг ҳам ишончини қозониб, Ўзбек автомобиллари Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистонга экспорт қилинмоқда. Яқин кунларда бу қаторга Арманистон, Грузия ва Молдова қўшилиди.

Бугун ўзимизда ишлаб чиқарилган, қўни қўнтияридан замонавий автомобиллар ҳақида сўз қўриляётганда, беихтиёр яқин тарихимиздаги енгил машина сотиб олиш учун одамлар неча йиллаб навбатда турган, кўпчилигининг ораузи ушамалй умри ўтиб кетган даврлар ёдига тушади. Бугун эса автосалонларда турли русумли машиналаримизнинг ўзимизга ёқадиган рангини танлаб олиш имконияти яратилган. Ҳозир Асакадаги заводдан чиққан автомобиллар кириб бормаган маҳалла, овул, қишлоқ ва кўча йўл, Илгари бир қишлоқда бор-йўли 2-3 та автовоул «қамираб турган» бўлса, ҳозир ҳар беш оиладан бирида замонавий автомобиль мавжуд. Улар халқимизнинг ўзоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Бу мамлакатимизнинг жадал тараққиётдан, ҳаққимиз фаровонлиги муттасил олиб бораётган далилидир.

Булларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга ошириляётган кенг қўлланми ислохотлар, юртимизда қарор топган бунёдкорлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитининг, тинчлик ва осойишталиқни сақлаш йўлидаги саяёҳаракатларнинг амалдаги самараларидир.


Озод РАҲАБОВ, ЎзА шарҳловчиси.



Тиббиёт

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Хувайдо» маҳалласидаги 15-оилавий поликлиника 2007 йилда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан тўлиқ таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган эди. Бугунги кунда бу ерда 67 нафар ҳамшира ва 38 нафар шифокор 7 маҳалладаги 31 мингдан зиёд аҳолига

хизмат кўрсатиб келмоқда. — Асосий мақсадимиз соғлом авлод дунёга келишини таъминлаш, — дейди поликлиника бош шифокори Наргиза Шермухамедова. Бунинг учун энг аввало, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш талаб этилади. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Поликлиникамизга бағиртирилган маҳалла-лардаги ҳар бир оила аъзолари саломатлиги, турмуш тарзи доимий назоратимизда туради. Она ва болалар бепул тиббий кўриқдан ўтказиб, даволанади. Репродуктив саломатлик, она-бола саломатлигини мустаҳкамлаш аҳоли тиббий маданиятига ҳам боғлиқ. Шу боис, ҳар пайшанба кун



ЁШЛАРНИНГ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Грузия парламенти Биноси олдига ёшларнинг «Бизга бирлаш» ташкилоти аъзолари норозилик намоийши ўтказмоқда. Унинг бошқа намоийшлардан фарқи шундаки, акция иштирокчилари би-

нога кираверишдаги зинапояларда ўтирган ҳолда норозилик билдиришмоқда. «Тренд» АА хабар беришича, улар 2007 йилдан кейин қамоққа олинган сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилишини талаб қилмоқдалар. Иштирокчилар айтишмоқдаки, норозилик акцияси сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилиши талаб қилинаётганлар рўйхати ошқор этилмапти. Муҳолифатдаги Консерватив партия вакиллари маълумотларига кўра, мамлакатда айти дамда 150 га яқин сиёсий маҳбус бор.

АГАР ПОЕЗД КЕЧИКСА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАНАДИ

Германияда 29 июлдан эътиборан янги қонун кучга киради. Унга кўра, темир йўл тармоқлари вакиллари йўловчилар олдиданги масъулияти янада оширилади.

«Spiegel» хабарига қараганда, поезднинг жадвалдан кечикиши темир йўл компанияси зарарига хизмат қилади. Яъни, йўловчилар махсус бланкани тўлдириб, маъмуриятга тақдим этса бас, патта пулининг маълум фоизи қайтариб берилади.



Агар баҳсли вазият юзага келса, махсус келишув комиссияси тузилади ва масала жойида ҳал этилади. Поезднинг 1 соатга кечикиши чипта пулининг 25 фоизи, 2 ва ундан ортиқ соатга кечикиши эса 50 фоизи миқдорда йўловчилар томонидан қайтариб олинишига сабаб бўлиши мумкин. Агар поезд бекатга келишга 1 соат кечикса, уни кутаётган йўловчи чиптани қайтариши ва пулини тўлиқ ҳолда қайтиб олиши мумкин. Агар 20 дақиқа кечикадиган бўлса, йўловчи ўша чипта билан бошқа поездга чиқишига рухсат берилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, поездда кетаётган йўловчи маълум бир бекатда бошқа поездга алмашиши керак бўлсаю (агар у жадвал бўйича охиригиси бўлса), у поезднинг жўнаш вақтигача бу поезд етиб келолмаса, йўловчи ўша бекат маъмуриятининг ўзидан 80 евро миқдорда товон пули тўлатириб олишга ҳақли. Аниқроғи, шу пул билан йўловчи манзилига таксида етиб олишига имкон яратилади. Агар манзилига таксилар бормаса, маъмурият йўловчини текин ётоқ билан таъминлайди.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ҚАЙТА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Маълумки, 28 июнда Гондурасда ҳарбий давлат тўнтариши амалга оширилган, оммавий тартибсизликлар юз беришининг олдини олиш учун комендантлик соати жорий этилган эди. Утган яқшанбада эса комендантлик соати тўлиқ бекор қилинди.

топган собиқ президент Мануэл Селай тарафдорлари норозилик акцияси бошлашларидан хавфсиромоқда, дейилади «Reuters» АА хабарига.



СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛАДИ

Мьянма маъмурияти БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун илтимосига кўра, мамлакатдаги сиёсий маҳбусларни озодликка чиқарадиган бўлди. Улар келгуси йилда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида иштирок этишлари учун имконият яратилади. Мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили У Тан Шве БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида сўзга чиқиб, бу ҳақда баёнот берди.

Маълумки, 1990 йилдан бери Мьянма (аввалги Бирма)ни ҳарбий хунта бошқаради. Уша йили бўлиб ўтган сайловда голиб чиққан Миллий лига демократия учун ҳаракати етакчиси, Нобель мукофоти соҳиби Аун Сан Су Чжи ўшандан бери уй қамоғида. У ҳозир 63 ёшда. «Новости» АА хабар тарқатишича, БМТ Бош қотиби муҳолифат етакчиси Аун Сан Су Чжини ҳам озодликка чиқаришларини сўраган.

Психолог маслаҳати

Одатда болалар, баъзиларини инобатга олмаганда, сергап бўлишади. Аммо уларнинг феъл-и билган ва билмаганлар ҳам айнан болалар билан суҳбат қилишни яхши кўришади. Бунинг сабаби болаларнинг самимийлиги, бегарзлиги ва бу суҳбатдан бирон алоҳида манфаат кутмаганлигидир.

танқидидан ёшлар, хотинларнинг дашномидан эрлари қутулган бўларди, оилада хушқадқай кайфият ҳукм сурарди. Айниқса, танқидчиликни касб қилиб олганлар энг бўлмаганда 50 фоизга қисқарарди. Танқиддан, айниқса, шошиб қилинган танқиддан бошқаларда ўзингиз

шумиз мумкин. Албатта, сизнинг ўзингиз ҳурмат қиладиган кишиларнингиз бор. Уларнинг иш ва муомала маҳорати ва қўйил қўлиб юрасиз. Бирор ишни, бирор кишини танқид қилмоқчи бўлган пайтингизда ўша уздабурон, жамиятда ҳурмат қозонган кишини кўз олдингизга келтирингиз, бироз мулоҳаза юритинг. Мана шу ишни у қандай қилган бўларди? Ўз фикрини у қандай ибораларда айтган бўлар эди? Бу иш юзасидан у танқид қилармиди, ёки ўз фикрини бошқа бирор усулда билдирармиди.

ТАНҚИД ҚИЛИШГА ШОШИЛМАНГ

Катталар бундай самимий суҳбатни кўчада, чойхонада кўз таниш кишилар билан қуришади. Бундай суҳбат кўпинча об-хаво, бугунги ахвол ёки фалончини кўриб турасизми каби мавзулар билан чекланади. Суҳбат мулоқотчилар тарқалиши билан унгулади.

Умуман, ҳаммамизда бошқаларни танқид қилиш туйғуси кучли, иккинчи томондан танқидни тан олгимиз келмайди.

Уздабурондир. Улар ўзлари ёзмақчи бўлган мавзуга тааллуқли материалларни йиғиб оладиларда, бунга қўшимча ижобий материаллар сўрай бошлайди. Мақоланинг бошида ижобий ҳолатларни кўрсатиб ўтади, асосий фикрни «яқинда жамоада мана бу ишлар ҳам катта куч сарфланиб тугатилиши кўзда тутилмоқда», деб мақолаларини якунлашади.

Танқидни тан олмасликнинг энг катта кўриниши, бу жиноятчиларнинг ўз жиноятларига иқдор бўлмасликларидан яққол кўзга ташланади. Ҳар бир юртимизда танқиддан еткази олиши ҳар биримизда турли-хил. Биримиз маҳорат билан икки оғиз сўзга фикримизни ифода этамиз, иккинчимиз эса тингловчи қанчалик зийрак бўлишига қарамасдан ўз фикримизни унга еткази олмаймиз. Энг қизиғи, ўз фикрини бировга еткази олмайдиغانлар кўпроқ бошқаларни қоралаб иддао билан юришади. Ваҳоланки, барча бирдай фикрлай олмаслигини яхши билганимизда, тингловчинини дарҳол танқид қилмаган бўлар эдик.

ҳақингизда салбий фикр уйғотасиз, холос. Шундай экан, бировни танқид қилишга шоманг, илоҳи бўлса умуман танқид қилманг. Танқид қилмасдан ҳам ўша фикрини қарши томонга етказсангиз бўлади. Бу эса сизнинг мулоқот маҳоратингизга боғлиқ. Бунинг учун ўз фаолиятингиздан мисоллар излаб кўринг. Шунда сиз кўпчилик ҳолларда бошқаларни ноҳақ айблаганингизни, энг бўлмаганда ўзингизнинг ҳақингизга тўлиқ ишонмаган ҳолларда ҳам ўзингизни оқлашга уринганингизни, бошқаларни қоралаганингизни, ҳамма ҳам шундай қиладику, мен бошқалардан камми деган ваъдаларни ҳақингиздан ўтказганингизни сезиб қоласиз. Ёдингизда бўлсин, танқид шомолик қараб сепилган тупроқдай доимо ўзингизга қайтади. Қайт-

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига! 15-сон қурилайётган қорхоналар бирлашган дирекцияси қуйидаги иншоотни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Объект номи, Бошланғич нархи ҚҚСсиз (минг сўм), Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм), Умумий қурилиш муддати. Row 1: «Сирдарё вилояти Гулистон тумани «Ети уруқ» маҳалласида худудидан ўтувчи Сирдарё дарёсининг «Чап қирғоғини мустаҳкамлаш ишлари» объекти бўйича, 1 970 610,114, 2 364 732,137, 240 кун.

Баъжариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танловда қатнашаётган маҳаллий пудратчилар томонидан импорт товарларни савдо тажрибасига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

Махсус лицензияга эга бўлган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига! СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ қуйидаги иншоотни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Объект номи, Бошланғич нархи ҚҚСсиз (минг сўм), Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм), Умумий қурилиш муддати. Row 1: «Сирдарё вилояти Давлат чегарасини муҳандислик техник қурилма» объекти шу жумладан, 2009 йилга ажратилган маблағ, 605 828,351, 726 994,021, 150 кун, 337 523,7.

Буортмачи манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1. Қурилиш ишларини молиялаштириш: Давлат бюджетини ҳисобидан молиялаштирилади. Талабгор сифатида қатнашаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидан танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоиз миқдоридан бўш айланма маблағлари ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни баъжариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танловда қатнашаётган маҳаллий пудратчилар томонидан импорт товарларни савдо тажрибасига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоа, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат, кимё, энгил санаят, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, сайёҳлик, мебелсозлик, кончиллик ва матбаачилик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Айтиши ҳозирки, Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодиётига икки миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоа киритган. 2008 йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард, жорий йилнинг январь-май ойларида эса 400 миллион АҚШ долларидан ошди.

Сўраёй МЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс» Фаргона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 16 июль, 84(30045)-сонда берилган эълонда кўрсатилган меморандум объектлари бўйича «тақлифлар очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин», деб ўқилишини маълум қилади.

Эртанги кун эгалари

ТАРОНАНГИ ЯНГРАТ, ЎЗБЕКISTON ЁШЛАРИ



Берлин шаҳрида ёш пианиночиларнинг иккинчи халқаро танлови («SPORZANDO») ўтказилди. Унда мусиқачилик маданияти ривожланган Европанинг қатор мамлакатларидан иқтидорли ёшлар қатнашди...

Мусиқа маданиятида Германия, Франция, Испания каби давлатларнинг ўз ўрни бор. Бироқ, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, эҳтишам, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жой йўқ.

Дилноза Тўраева таниқли бастакоримиз Дилором Омонуллаева, дунёнинг буюк композиторлари Бах, Шопен асарларини моҳирона ижро этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шу билан масканининг яна бир ўқувчиси Феруза Мақсудова ўрта ёш гуруҳида танловнинг учинчи ўринига муносиб кўрилди.

Ҳозирги кунда ёш мусиқачиларимиз кўплаб нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Бу эътирофлар Мустақиллик туғайли иқтидорли ёшларимизга кенг имкониятлар яратилаётганининг асоси бўлди. Ўзбекистон мусиқа маданиятининг жаҳон мусиқа маданиятида ўз мавқеига эга эканлигини далиллади.

Аспир МҮМИН Суратда: Дилноза Тўраева (чапда) ва Феруза Мақсудова.

«Ёз — 2009» «Ёз — 2009» «Ёз — 2009»

Ёз жазираси забтига олган. Шундай бўлса-да, юртимиздаги болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳаёт қайнайди. Уларда келажакимиз эгаларининг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, дилнигиз яйрайди.



нинг волейбол, шохмот, шашка, стол тенниси ва армрестлинг турлари бўйича ўтган мусобақаларда болажонлар фаол иштирок этишди.

МАЗМУНИ ВА ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР

— Жамғарма томонидан ёзги болалар оромгоҳларида аниқ дастурлар асосида спорт тадбирлари ўтказилмоқдаки, бу фарзандларимизнинг жисмоний чинкиб соғлом улгайишлари учун замин яратмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ишлар бошқарувчиси Хусан Насруллаев.

Ўртача уч миллион сўмлик соврин фонди ажратилган. Спорт мусобақалари голиб ва совриндорлари мажмур ажратилган фонд ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ва динломлар билан тақдирланишмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёзги болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда спорт мажмуаларида мусобақалар уюштириш билан биргаликда таниқли спортчилар, адиллар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ҳам ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Эркин ХОЛБЕВО

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказ катта илмий ходими Р.Т.Самадовага отаси Турсун САМАДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Мулоқот

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Уйчи туманидаги «Хумо» оромгоҳида 185 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни кўнглили ўтказмоқда. 16 нафар тарбиячи-педагог болажонларнинг ҳар бири кун кувнок ва шодон ўтиши учун режа асосида ишни ташкил этмоқдалар.

масканида маънавий-маърифий суҳбат ўтказилди. Республика маънавий тарғибот маркази вилоят бўлимининг раҳбари шоир Зиёвуддин Мансур, Ўзбекистон Халқ шоири Тўлан Нозом, «Уйчинома» газетаси муҳаррири Абдубанно Холмоновлар иш-

тирокидаги суҳбат болажонларда катта қизиқиш уйғотди. Шоир Тўлан Нозом суҳбат давомида Ҳабиб Саъдулла, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон каби устоз шоирларнинг ижодидан намуналар ҳам ўқиб берди.

си Муқаддас Азимова учрашув якунида ижодкорлар билан бундай мулоқотлар ўқувчиларнинг руҳий оламини бойитиши, комил инсон бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Мулоҳаза

Ҳар бир миллатнинг тарихи миллий руҳи, анъаналари, урф-одатларида, қолаверса, исмида муҳим жасам бўлади. Ўғлимиз ёки қизимиз шижоатли, мард, жасур, чиройли, сабр-бардошли бўлсин, дея момоларимизу боболаримиз, чақалоқнинг ота-онаси яхши ниятлар билан чиройли ва мазмунли исм қўядилар.

ЧИРОЙИ МУҲИММИ ЁКИ МАЗМУНИ?

Хаятда дунёқарши, қизиқиши турли номли фарзандининг исмида ифода этилишини хоҳлаганлар Олломурод, Оллоқул, Абдуваҳоб, Абдураҳмон... каби, пайғамбаримиз ва унинг саҳобаларига эътиқод билан оилаларда ўғлига Мухаммад, Усмон, Шавқиддин, қизалоқларига эса Муслима, Мавлуда каби исмлар қўйишди.

Касби-кори, нималар билан машғуллигини айтиди-ю исмига келганда бироз ноқулай аҳволга тушиб қолди. Билсам, у ўз Тополберди исмидан уяларкан. Бўрибой, Қўчқор, Бургут, Бозорбой, Чоршанба каби исмлар устида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Доно халқимизда болага исм қўйиш билан боғлиқ ўзига хосликлар бор. Муборак ҳайит айёми кунларида дунёга келган ўғил фарзандга, Хайитмурод, Хайитбой, қиз фарзанд туғилса, Хайитноқ, Хайитой исмларини берадилар. Шунингдек, миллий байрамимиз — Наврўзи олам кунга туғилган фарзандларга Наврўзбек, Наврўзжон, Наврўзой, Наврўзбека, Баҳора, Муборак каби исмлар улуг аجدларимизга ҳавас қилиб, Жалолдин, Алишер, Темурбек, Улуғбек сингари исмларни танлаймиз.


Аслини олиб қарайдиган бўлсак, Камол — камолга етган, баркамол деган маънони англатади. Умида — умид қилинган, орзу қилинган қиз, шунингдек, улгайиб, барча орзу-ниятларига етсин деган маънони англатади. Шундай гўзал исми «уми» деб қўйқартирадиган. Айрим ота-она катта орзу-ният билан, ўғлимнинг йўли ёруғ бўлсин дея Равшан деб исм қўядида, ўзлари уни «рўш» деб аташади. Бунга қандай қараш мумкин? Бундай қисқартмалар кундан-кун оммалашиб бормоқда. Ишларга «жон», «хон», «ой» каби қўшимчаларни қўшиб айтиш мумкин. Масалан: Шерзодебек, Қобилжон, Санобархон, Ойдиной... Бунда ҳурмат-эъзоз бор.

Ота-она фарзандига исм қўяётганда чуқур мулоҳаза қилмоғи, бу масалага жиддий ёндашмоғи лозим. Чунки фарзандлар кейинчалик ўз исмларидан уялиб, норози бўлишлари мумкин. Бунга ўзим гувоҳ бўлдим. Бир кун сафардан қайтаётганимда автобусда ёнимда ўтирган йигит билан танишиб қолдим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд дунёга келса, унга авлодининг даъвои сифатида қарайдилар. Шунини инобатга олган ҳолда, ота-она фарзандига чиройли ва мазмунли исм қўйиши фарзанд ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутди, деб ўйлаймиз.

Миржамол Ҳотамов, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси.

ЧИЛЛА ҚОВУНИ



Дала айланлиб юрибмиз. Фермер дўстим ҳар бир пайкалдаги экиннинг таржимаи ҳолини яхши билади. Унга чигит қачон қадалгани, қачон янана қилингани, ҳозир нечанчи қолиқ қилингани, қачон суғорилгани-ю, қанча ўғит берилгани беш қўлдай маълум. Суҳбат билан бўлиб пайкал тепасидан чиқиб қолибмиз. Кичикроқ ҳовузни кўриб хайрон бўлдим-у, ҳамроҳимга қарадим. У мени дарров тушунди.

— Фақат «шарбат» эмас, чилла суви бу. Экиннинг томир-томиригагина сингади. Шунда мана бу гуллар бўлиб кўсакка айланади, — деб у заъфарон, пушти рангли гулларни кўрсатди.

— Мана бу шоналар эса тўкилиб кетмай эрта-индин чамандай очилади.

Шу топ бошига газетадан қалпоқча ясаб кийиб олган йигитча ҳамроҳимиз қулоғига нимадир шивирлади.

— Қовун пишибдимми? — деди у қовун билан.

— Ҳа, чайлага қовунхўрликка чакришяпти, сизларни поилаб ўтиришибди, — деди ҳалиги йигитча. Чайлага қараб йўл олдик.

Ариқ лабиди шинамгина чайла. Ховузчада уч-тўртта қовун кўзга ташланди. Чайладагилар бизни юқорига қорлашди. Дарров қовунхўрлик бошланди. Қорайиб кетган чойгундан чой қўйиб бирин-кетин узатишди. Қовундан кейин чой ичиш шарт экан. Чой ичиш асосида шериғим гап бошлади.

— Айтинг, устоз. Биз ёшлар билан кўйганимиз яхши, — деди ҳалиги бизни чакирган йигит.

— Ғўза чопамиз. Шундай чанқаймизми, қўяверасиз. Сув анқонинг уруғи. Шунда бир отахон иккита қовун кўтариб келиб қолди. Пайкал четига ўтириб, уни сўйиб тилим-тилим қилиб бизга узата бошлади.

Шу топ осмондан тушди, ердан чиқди бригада бошлиғи келиб қолди. Ҳе йўқ, бе йўқ отахонга бақиради.

— Айтинг, устоз. Биз ёшлар билан кўйганимиз яхши, — деди ҳалиги бизни чакирган йигит. — Ғўза чопамиз. Шундай чанқаймизми, қўяверасиз. Сув анқонинг уруғи. Шунда бир отахон иккита қовун кўтариб келиб қолди. Пайкал четига ўтириб, уни сўйиб тилим-тилим қилиб бизга узата бошлади.

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afur HOTAMOV, Musiliddin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:

- Partiya hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80, Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda 25-32-70, Buxoroda 223-06-02, Gulistonda 25-46-45, Jizzaxda 227-48-35, Navoiyda 223-83-73, Namanganda 226-43-43, Nukusda 222-77-21, Samarqanda 35-02-55, Urganchda 517-30-58, Farg'onada 224-18-78, Denovda 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasida chop etildi. Korxonaning Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta sahifasiga, payshababa va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633 O'zA yakuni — 00.30 Topshirilgan vaqti — 02.00 1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda